



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 7 » iyul

№ 277

Toshkent sh.

### **Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг рухсатнома тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Кейинги йилларда республикада халқаро ташувчиларни қўллаб-куватлаш, логистика хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва самарали транспорт инфратузилмасини яратиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бугунги кунда транспорт ва логистика соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли амалий ишларга қарамасдан, ҳамон ушбу соҳада тизимли камчиликлар мавжуд бўлиб, айрим нормаларни такомиллаштириш ҳамда жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб уйғуллаштириш, соҳани яширин иқтисодиётдаги улушини қисқартириш талаб этилмоқда.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг рухсатнома тизимини янада такомиллаштириш, халқаро ташиш соҳасида банд бўлган тадбиркорлик субъектларининг хорижий рухсатномаларга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан 2022 йилдаги “очик мулоқоти”да белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 30 августдаги ПҚ-364-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагиларни назарда тутувчи Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш қвотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

миллий ташувчиларнинг хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёжи ҳақида маълумотларни шакллантириш ҳамда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатнома бланкаларини айирбошлаш қвотасини аниқлаш;

хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар орасида тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш жараёнларини инсон омилисиз тўлиқ автоматлаштирилган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигининг автоматлаштирилган ахборот тизими орқали амалга ошириш;

**миллий ташувчилар рейтингини юритиш ва битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан энг кўп даромад олаётган ташувчиларни рағбатлантириш;**

**миллий ташувчиларга уларнинг эҳтиёжини қондирмайдиган рухсатнома бланкаларини айирбошлиш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни улар берилган қундан бошлаб **90 календарь куни ичида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига қайтариш мажбуриятини юклаш;****

хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳукуқларни бошқа шахсларга берган ҳамда уларни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлигига қайтармаган миллий ташувчиларга нисбатан **рухсатномалар берилишини тўхтатиб туриш бўйича санкцияларни инсон омилисиз автоматик тарзда қўллаш;**

**Ўзбекистон рухсатномаларини хорижий ташувчиларга бериш, улардан фойдаланиш ҳамда юкларни халқаро ташиш турларини аниqlаш.**

2. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ қўмитаси **икки ой муддатда** миллий ташувчиларнинг **электрон ҳисобварак-фактуралар** бўйича битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромадини аниqlаш мақсадида тегишли ахборот тизимлари ўртасида электрон маълумот алмашинувини ташкил этсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитаси Давлат чегараси орқали автомобиль ўтказиш пунктларида хорижий ташувчилар томонидан автомобильда халқаро юк ташишнинг рухсатнома тизимига риоя этилиши устидан давлат назоратини кучайтирсин ҳамда юкларни халқаро ташиш турлари Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги томонидан белгиланган мезонлар ва тартибга мувофик аниqlанишини таъминласин.

4. Белгилансинки, миллий ташувчилар эҳтиёжларини қондирмайдиган айирбошлиш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни **тақсимлаш шартлари 2024 йил 1 январдан** эътиборан кучга киради.

5. Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги:

**бир ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда миллий ташувчилар эҳтиёжидан келиб чиқсан ҳолда, хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан **жорий йил учун** қўшимча рухсатнома бланкаларини айирбошлиш квотасини келишиш чораларини кўрсин;

**икки ой муддатда** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда илгор хорижий тажрибани ўргангандан ҳолда, автомобильда юкларни халқаро ташиш фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартларини такомиллаштириш юзасидан таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

**уч ой муддатда** манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда халқаро ва миңтақавий бозорларга чиқиши таъминлайдиган ташқи савдо йўналишларидағи асосий транзит давлатлар билан босқичма-босқич транзит юк ташишларни рухсатномасиз тизимиға ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **икки ой муддатда** ушбу қарорга мувофиқлаштирун;

ушбу қарорнинг мақсадлари, моҳияти ва амалий аҳамияти миллий ташувчилар ўртасида кенг ёритилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айrim қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “7” июлдаги 277-сон қарорига  
1-илова

**Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни  
айирбошлаш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш  
ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлаш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши миллий ва хорижий ташувчиларга татбиқ этилади.

Автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташишни ташкил этиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномалар билан тартибга солинади.

Автомобиль транспортида хавфли, катта ҳажмли ва оғир вазнли юкларни ташиш хусусиятлари алоҳида норматив-хуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади.

2. Ушбу Низомда қўйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**автотранспорт воситаси:**

йўловчиларни, багажни халқаро ташишда – йўловчиларни, багажни ташиш учун мўлжалланган ва ҳайдовчи ўринидиги билан ҳисоблаганда 9 тадан ортиқ ўриндиқقا эга бўлган автотранспорт воситаси (автобус);

юкларни халқаро ташишда – юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаси (юк автомобили, тиркамали юк автомобили, шатакчи автомобиль ёки ярим тиркамали шатакчи автомобиль);

**миллий ташувчи** – Ўзбекистон Республикаси худудида рўйхатга олинган, мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосларда унга тегишли автотранспорт воситасидан юк ёки йўловчиларни халқаро ташишда фойдаланувчи ва бунга маҳсус рухсатномага (лицензияга) эга бўлган юридик ёки жисмоний шахс;

**хорижий ташувчи** – хорижий давлат худудида рўйхатга олинган, мулк ҳуқуқи билан ёки бошқа қонуний асосларда унга тегишли автотранспорт воситасидан юк ёки йўловчиларни халқаро ташишда фойдаланувчи юридик ёки жисмоний шахс;

**автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш** – юк ёки йўловчиларни икки ёки ундан ортиқ давлатлар худудлари бўйлаб автомобиль транспортида ташиш, шунингдек, юксиз автотранспорт воситасининг икки ёки ундан ортиқ давлатлар худуди бўйлаб ўтиши;

**автомобилда юк ва йўловчиларни икки томонлама халқаро ташиш (юк ва йўловчилар икки томонлама ташиш)** – миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан хорижий давлат ҳудудига ёки хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ташиш ҳамда хорижий давлат ташувчисига тегишли автотранспорт воситасида ва ушбу автотранспорт воситаси рўйхатга олинган хорижий давлат ҳудудидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ушбу хорижий давлат ҳудудига ташиш;

**автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро транзит ташиш (транзит ташиш)** – автотранспорт воситасининг юк ёки йўловчилар билан (ёхуд уларсиз) давлат ҳудуди бўйлаб ўтиши, бунда жўнаш ва бориш пунктлари ушбу давлат ҳудудидан ташқарида жойлашган бўлади;

**учинчи давлат ҳудудидан ёхуд учинчи давлат ҳудудига автомобилда юкларни халқаро ташиш (учинчи давлатга/дан ташиш)** – жўнатувчи мамлакатда юклangan ва қабул қилувчи мамлакатда туширилган, жўнаш ёки қабул қилиш мамлакати ҳисобланмайдиган мамлакатда рўйхатга олинган автотранспорт воситаларида юкларни ташиш;

**автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташиш** – олдиндан келишилган йўналиш, жадвал, тарифлар, ташувчи томонидан йўловчилар чиқариладиган ва тушириладиган тўхташ бекатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисида автомобиль транспортида йўловчиларни ва багажни мунтазам ташиш;

**автомобилда йўловчиларни халқаро номунтазам ташиш** – автомобильда йўловчиларни халқаро мунтазам ташишга тегишли бўлмаган, Ўзбекистон Республикаси давлат чегарасидан ташқарига ёки давлат чегараси ташқарисида автомобиль транспортида йўловчиларни ва багажни ташиш;

**қатнов** – автотранспорт воситасининг жўнаш пунктидан бориш пунктигача ўтиши;

**рухсатнома** – автотранспорт воситасининг давлат ҳудуди бўйлаб ўтиши ва унда кўрсатилган ташиш турини амалга ошириш хуқуқини берувчи ҳужжат (бланка ёки e-Permit электрон шакли);

**Ўзбекистон рухсатномаси** – хорижий ташувчига тегишли автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб ўтишига бир марталик рухсатнома;

**хорижий рухсатнома** – миллий ташувчига тегишли автотранспорт воситасининг хорижий давлат ҳудуди бўйлаб ўтишига бир марталик рухсатнома;

**кўп томонлама рухсатнома** – бундай рухсатнома эгасига тегишли бўлган автотранспорт воситасининг кўп томонлама рухсат бериш тизимиға аъзо бўлган ҳар қандай давлат ҳудуди бўйлаб бир марталик ўтишига рухсатнома;

**рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси** – хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан айирбошлаш учун тенглик асосида бир йилга келишилган рухсатномалар сони;

**Е-авто рухсатнома автоматлаштирилган ахборот тизими (“Е-авто рухсатнома” ААТ) – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларнинг миллий ташувчилар орасида автоматик тарзда тақсимланишини, уларга берилишини, ҳисобга олинишини ҳамда мониторинг қилинишини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг “UzTrans” ягона интерактив ахборот тизимининг бир қисми;**

**халқаро товар-транспорт юк хати –** Халқаро йўлларда юкларни ташиш шартномаси тўғрисидаги конвенцияда назарда тутилган, шу жумладан, ташилаётган юк, унинг жўнатувчиси ва қабул қилувчиси, ташувчиси ва ташувни амалга оширувчи автотранспорт воситаси тўғрисида, шунингдек, уни ортиш ва тушириш жойлари ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган ҳужжат;

**Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи –** Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги.

## **2-боб. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг умумий шартлари**

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб хорижий ташувчилар томонидан автомобилда халқаро, шунингдек, транзит ташиш Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномалари қоидаларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг автомобиль транспорти тўғрисидаги қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномаларида икки томонлама ва транзит ташишни рухсатномасиз амалга ошириш назарда тутилган тақдирда, бундай ташиш ташиш турини тасдиқловчи халқаро товар-транспорт юк хати асосида амалга оширилади.

5. Амалга оширилаётган автомобилда халқаро юк ташиш тури (икки томонлама, транзит ёки учинчи давлат ҳудудига/дан ташиш) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан белгиланган мезонлар ва тартибга мувофиқ халқаро товар-транспорт юк хати ва бошқа юк кузатув ҳужжатларидаги маълумотлар асосида аниқланади.

6. Ўзбекистон рухсатномаларида автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш турлари (икки томонлама, транзит ёки учинчи давлатга/дан ташиш) ва улардан фойдаланиш шартлари кўрсатилади.

7. Рухсатномалар қўйидаги асосий турларга бўлинади:

- а) икки томонлама юк ташиш учун;
- б) транзит юк ташиш учун;
- в) учинчи давлатга/дан юк ташиш учун;
- г) икки томонлама/транзит юк ташиш учун;
- д) икки томонлама қатновларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун;
- е) транзит қатновларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун;

ж) икки томонлама/транзит қатновларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун.

Қайд этилган рухсатномалардан ташқари Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича қўшма/аралаш комиссияларнинг протокол қарорлари билан рухсатноманинг бошқа турлари назарда тутилиши мумкин.

8. Хорижий ташувчиларга тегишли бўлган, шу жумладан, улар томонидан Ўзбекистон Республикаси худудига вақтинча олиб кирилган автотранспорт воситаларида, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси худудида жойлашган пунктлар орасида йўловчи ва юкларни ташишга йўл қўйилмайди.

9. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишларни амалга оширувчи ташувчилар ўз давлатида рўйхатга олинган ва фарқловчи белгиларига эга бўлган автотранспорт воситаларидан фойдаланишлари лозим, бунда тиркамалар ва ярим тиркамалар бошқа давлатда рўйхатга олинган ва фарқловчи белгиларга эга бўлиши мумкин.

10. Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигига мувофиқ автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун талаб этиладиган Ўзбекистон рухсатномалари, халқаро товар-транспорт юк хатлари ва бошқа ҳужжатлар автотранспорт воситаси Ўзбекистон Республикаси худудига кириб келишидан олдин хорижий ташувчи томонидан тўлдирилиши лозим ва автотранспорт ҳайдовчилари ёнида бўлиши ҳамда назорат қилувчи органлар талабларига мувофиқ автотранспорт воситаси ҳайдовчилари томонидан тақдим этилиши лозим.

11. Ўзбекистон Республикаси худуди ва хорижий давлат худуди бўйлаб автомобилда йўловчиларни халқаро мунтазам ташиш Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатнинг ваколатли органлари келишуви бўйича амалга оширилади.

12. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи Ўзбекистон Республикасининг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш соҳасидаги халқаро шартномалари бўйича мажбуриятларини бажариш доирасида ушбу Низомга 1-иловадаги схема бўйича:

“Е-авто рухсатнома” ААТ орқали миллий ташувчиларнинг хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик эҳтиёжи ҳақидаги маълумотларни шакллантиради;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотасини аниқлайди;

хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларни айирбошлашни ташкил этади;

хорижий давлатларнинг ваколатли органларига берилган Ўзбекистон/кўп томонлама рухсатномалар (хорижий давлат номи, турига қараб миқдори, рўйхат рақамлари ва амал қилиш муддати ҳамда йўл йифимларидан озод этилиши /этилмаслиги, юк ташишнинг алоҳида шартлари) тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Божхона қўмитасини хабардор қиласи;

маълумотларни миллий ташувчиларнинг “Е-авто рухсатнома” ААТдаги шахсий кабинетига жойлаштириш йўли билан уларни хорижий/кўп томонлама рухсатномаларнинг мавжудлиги, шу жумладан, миллий ташувчилар эҳтиёжларини қондирмайдиган айирбошлаш квотаси доирасидаги тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар сони ҳақида хабардор қиласди;

“Е-авто рухсатнома” ААТ орқали миллий ташувчиларга хорижий/кўп томонлама рухсатномалар берилишини таъминлайди.

### **3-боб. Рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси**

13. Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун миллий ташувчилар келгуси йил бошланишидан камида уч ой олдин Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича буюртманомалар тақдим этадилар.

Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун буюртманомалар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига “Е-авто рухсатнома” ААТ орқали тақдим этилади. Электрон тарзда тақдим этилган хужжатлар миллий ташувчининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқланади.

Буюртманомада режалаштирилаётган қатновлар сони (юк ташиш учун), ташувчининг хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бир йиллик эҳтиёжи ҳар бир давлат/кўп томонлама рухсатнома тизими ва ташиш тури бўйича кўрсатилади, шунингдек, автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун фойдаланиладиган автотранспорт воситалари сони қайд этилади. Буюртманома келгуси йил мобайнида автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг аниқ прогнозлари асосида тузилиши лозим.

Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун буюртманомалар белгилangan муддатларда тақдим этилмаган тақдирда, миллий ташувчилар асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда қолган даврга йил давомида буюртманома тақдим этиши мумкин.

14. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ушбу Низомнинг 13-бандига мувофиқ берилган буюртманомалар ҳақидаги умумлаштирилган маълумотлар асосида келгуси йил бошланишидан икки ой олдин хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бир йиллик умумий эҳтиёж тўғрисидаги йигма маълумотларни шакллантиради.

15. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи келгуси йил бошланишидан камида бир ой олдин хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргаликда рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотасини аниқлайди ва уларни айирбошлаш жараёнини келишиб олади.

Рухсатнома бланкаларини айирбошлаш ўзаролик шартида келгуси йил 31 январга қадар амалга оширилади.

16. Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёж ҳамда уларни миллий ташувчиларга келгуси йилдан олдинги ўн икки ой мобайнида берилишини таҳлил қилиш асосида навбатдаги йил учун аниқланган ҳар бир турдаги рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси қуидагиларга ажратилади:

а) миллий ташувчилар эҳтиёжларини қондирувчи рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси;

б) миллий ташувчилар эҳтиёжларини қондирмайдиган рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси.

Мазкур бандда назарда тутилган квоталар бўйича хорижий/кўп томонлама рухсатномалар мавжудлиги тўғрисидаги доимий янгиланадиган маълумотлар Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтида ошкора эълон қилиб борилади.

#### **4-боб. Рухсатнома бланкаларини айирбошлаш ва тақсимлаш**

17. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси доирасида хорижий давлатларнинг ваколатли органларига Ўзбекистон/кўп томонлама рухсатномаларни беради ҳамда улардан хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олади.

18. Миллий ташувчилар эҳтиёжини қондирувчи рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномалар миллий ташувчилар орасида тақсимланмайди ва йил давомида уларнинг аризасига биноан бериб борилади.

Миллий ташувчилар эҳтиёжини қондирмайдиган рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномалар ушбу Низомга З-иловага мувофиқ Тақсимлаш шартлари асосида бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун буюртманомалар тақдим этган миллий ташувчилар орасида бир йилга (олти ойга) тақсимланади.

19. Тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар тенг улушларда чоракларга ажратилади ва миллий ташувчиларга бериб борилади.

Агар тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар миллий ташувчилар томонидан жорий чоракда тўлиқ ишлатилган тақдирда, уларнинг хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган қўшимча эҳтиёжлари келгуси чораклар ҳисобидан қопланади.

Тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар миллий ташувчи томонидан бир чорак давомида олинмаган тақдирда, улар келгуси чоракларга барча ташувчилар орасида қайта тақсимланади.

20. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи хорижий/кўп томонлама рухсатномалар ишлатилиш динамикасидан келиб чиқиб, хорижий давлатнинг ваколатли органлари билан жорий йил учун қўшимча рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотасини келишиб олади.

## **5-боб. Миллий ташувчиларга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни бериш ва улардан фойдаланиш**

21. Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда тузилган аризани миллий ташувчи ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига “Е-авто рухсатнома” ААТ орқали тақдим этади.

Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун берилган ариза Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан ариза олинган кундан бошлаб бир иш куни мобайнида кўриб чиқилади.

Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни бериш ёки беришни рад этиш “Е-авто рухсатнома” ААТда автоматик тарзда амалга оширилади.

Хорижий/кўп томонлама рухсатномалар улар берилган кундан бошлаб 90 календарь кун ичида Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига қайтариш шарти билан миллий ташувчиларга берилади.

22. Ҳар бир бериладиган хорижий/кўп томонлама рухсатнома учун рухсатномани бериш санасида Ўзбекистон Республикасида белгиланган базавий ҳисоблаш микдорининг тўртдан бири микдорида йигим ундирилади.

Йигилган маблағ Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг бюджетдан ташқари жамғармаси ғазначилик ҳисобварағига ўтказилади ва ундан Ўзбекистон/кўп томонлама рухсатнома бланкаларини тайёрлаш, вакиллик харажатлари, қўшма/аралаш комиссиялар йигилишларини ташкил этиш ва ўтказиш ҳамда автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича бошқа тадбирларга сарфланган харажатларни қоплаш ҳамда ташқи иктисодий фаолият соҳасида банд бўлган ходимлар таъминоти учун фойдаланилади.

Ҳар бир берилган хорижий/кўп томонлама рухсатнома учун ундирилган йигим қайтарилмайди ва қайта ҳисоб-китоб қилинмайди.

23. Хорижий/кўп томонлама рухсатномалар миллий ташувчиларга уларнинг халқаро юк ташишда фойдаланиладиган мавжуд автотранспорт воситалари сони доирасида берилади.

Миллий ташувчига муайян давлатнинг аввал берилган хорижий/кўп томонлама рухсатномалари ўрнига янгилари, ушбу давлатнинг аввал берилган рухсатномаларини қайтариш шарти билан берилади.

24. Қуидагилар хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни беришни рад этишга асос бўлади:

а) миллий ташувчида автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун лицензия ва (ёки) лицензия карточкалари мавжуд эмаслиги ёхуд уларнинг амал қилиш муддати тўхтатиб қўйилганлиги;

б) ушбу Низомнинг 33 ва 36-бандларига мувофиқ хорижий/кўп томонлама рухсатномалар берилиши тўхтатиб турилганлиги;

в) Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органида хорижий/кўп томонлама рухсатномаларнинг мавжуд эмаслиги;

г) миллий ташувчи томонидан тақдим этилган аризада нотўғри ёки бузиб кўрсатилган маълумотлар мавжудлиги.

25. Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни беришнинг бошқа асосларга кўра, шу жумладан, мақсадга мувофиқ эмаслик сабаби билан рад этилишига йўл кўйилмайди.

26. Аризани рад этиш тўғрисидаги билдиришнома миллий ташувчига электрон тарзда “Е-авто рухсатнома” ААТ орқали рад этиш сабаблари ва қонунчилик хужжатларининг аниқ нормалари кўрсатилган ҳолда юборилади.

Миллий ташувчи томонидан рад этиш сабабларини бартараф этиш ва такроран кўриб чиқиш учун хужжатларни тақдим этиш муддати хорижий/кўп томонлама рухсатнома берилиши рад этилганлиги тўғрисида электрон шаклдаги билдиришнома олинган санадан бошлаб ўн иш кунидан кам бўлмаслиги лозим.

27. Хорижий/кўп томонлама рухсатнома беришни рад этишга асос бўлган сабаблар миллий ташувчи томонидан белгиланган муддатда бартараф этилган тақдирда, аризани такроран кўриб чиқиш, хорижий/кўп томонлама рухсатномани бериш ёки уни беришни рад этиш Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан рад этиш сабаблари бартараф этилганлиги тўғрисидаги ариза ва улар бартараф этилганлигини тасдиқловчи тегишли хужжатлар қабул қилинган санадан эътиборан бир иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда амалга оширилади.

28. Аризани такроран кўриб чиқиши чоғида Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан ариза берувчи олдин “Е-авто рухсатнома” ААТ орқали йўлланган электрон шаклдаги билдиришномада кўрсатилмаган рад этиш сабабларини келтиришга йўл кўйилмайди, илгари қайд этилган сабабларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи хужжатлар билан боғлиқ рад этиш сабабларини келтириш бундан мустасно.

29. Миллий ташувчи томонидан электрон шаклдаги билдиришномада кўрсатилган муддат тамом бўлганидан кейин тақдим этилган ариза янги тақдим этилган ариза ҳисобланади ва умумий тартибда кўриб чиқилади.

30. Миллий ташувчи хорижий/кўп томонлама рухсатнома беришнинг рад этилганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳукуқига эга бўлади.

31. Миллий ташувчига хорижий/кўп томонлама рухсатнома берилганда, бланканинг тегишли катакларида Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг масъул ходими томонидан мажбурий тарзда ташувчининг номи ва манзили қайд этилади, шунингдек, муҳр (штамп) ва рухсатномани берган шахснинг имзоси қўйилади.

Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга, шу жумладан, ишлатмасдан қайтарилганларга, агар автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича қўшма/аралаш комиссиялар протокол қарорларида бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса, тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди.

32. Олинган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар миллий ташувчилар томонидан ушбу миллий ташувчининг лицензия карточкасида қайд этилган автотранспорт воситасида фойдаланилади.

33. Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқларни учинчи шахсларга бериш тақиқланади.

Миллий ташувчи томонидан унга берилган хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни ёки улар бўйича ҳуқуқлар учинчи шахсларга берилганлиги аниқланган тақдирда, “Е-авто рухсатнома” ААТда автоматик тарзда ушбу ташувчига – **уч ой муддатга**, йил давомида қайта аниқланса – **олти ой муддатга** барча хорижий/кўп томонлама рухсатномалар берилиши тўхтатилади ҳамда унга келгуси чораклар ҳисобидан берилиши мумкин бўлган тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар бекор қилинади.

34. Хорижий/кўп томонлама рухсатномалар улар берилган кундан бошлаб 90 календарь кундан кечикмай Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига қайтарилиши лозим.

Янгиларини олиш учун фойдаланилган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар зарур тарзда ва тўғри тўлдирилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ваколатли органига сафар якунланганидан сўнг ушбу бандда назарда тутилган муддатдан илгари қайтарилади.

35. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига белгиланган тартибда қайтариленган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар масъул ходим томонидан мақсадли ишлатилганлиги (ишлатилмаганлиги) дархол текширилади ва “Е-авто рухсатнома” ААТда тегишли белги қўйилади.

Бунда ҳар бир қайтариленган хорижий/кўп томонлама рухсатноманинг (олди ва орқа томони) электрон нусхаси “Е-авто рухсатнома” ААТга бир иш куни ичида юкланади ва жамоатчилик назорати учун миллий ташувчиларга холисона текшириш имконияти яратилади.

Янгисини олиш учун фойдаланилган хорижий/кўп томонлама рухсатнома Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига қайтарилигунга қадар унинг (олди ва орқа томони) электрон нусхаси “Е-авто рухсатнома” ААТга тўғридан-тўғри миллий ташувчи томонидан ҳам юкланиши мумкин.

36. Миллий ташувчи хорижий/кўп томонлама рухсатномани берилган кундан бошлаб:

90 календарь кун ичида ишлатмасдан қайтарса, “Е-авто рухсатнома” ААТда автоматик тарзда ушбу ташувчига келгуси чораклар ҳисобидан берилиши мумкин бўлган тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар сони ҳар бир ишлатилмасдан қайтариленган рухсатномалар сонига камайтирилади;

90 календарь кун ичида қайтармаса, олинган **рухсатнома қайтарилигунига қадар** “Е-авто рухсатнома” ААТда автоматик тарзда ушбу ташувчига барча хорижий/кўп томонлама рухсатномалар берилиши тўхтатилади, йўл-транспорт ҳодисаси, ёнғин, табиий оғатлар ва жиноят содир этилганлик натижасида йўқотилганлиги ёки йўқ бўлганлиги ҳолатлари (ваколатли орган томонидан тасдиқланган ҳужжат асосида) бундан мустасно.

Бунда 90 календарь кун ўтгандан сўнг ишлатмасдан қайтарилиганда, ушбу ташувчига келгуси чораклар ҳисобидан берилиши мумкин бўлган айнан шу давлатнинг тақсимланган хорижий/кўп томонлама рухсатномалари бекор қилинади.

37. “Е-авто рухсатнома” ААТда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига қайтарилиган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар ҳисботи хорижий давлатлар ва миллий ташувчилар кесимида юритилади ва ошкора эълон қилиб борилади.

#### **6-боб. Ўзбекистон рухсатномаларини хорижий ташувчиларга бериш ва улардан фойдаланиш**

38. Ўзбекистон рухсатномалари хорижий ташувчиларга ўз давлатларининг ваколатли органлари томонидан тегишли йилга айирбошланган рухсатномалар ҳисобидан берилади. Ўзбекистон рухсатномалари жорий календарь йилда ва келгуси йилнинг 31 январигача (ушбу сана ҳам шунга киради) амал қиласи, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

39. Хорижий ташувчи ҳар бир сафарга борища ўз давлатининг ваколатли органидан Ўзбекистон рухсатномаси бланкасини олиши шарт. Ушбу бланкадан у фақат бир марта ва амалга оширилаётган автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг бир тури бўйича фойдаланиши мумкин, агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тузилган автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш масалалари бўйича қўшма/аралаш протокол қарорларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

Ўзбекистон рухсатномаси бланкасининг тўлдирилиши зарур бўлган барча бандларида тўлақонли ва аниқ маълумотлар қайд этилиши лозим. Ҳеч бўлмаганда битта тўлдирилмаган банднинг мавжудлиги Ўзбекистон Республикаси назорат органлари томонидан рухсатноманинг ҳақиқий эмас деб эътироф этилиши учун асос бўлади.

40. Ўзбекистон Республикаси ҳудуди бўйлаб транзит қатновдан орқага қайтиб ҳаракатланаётган хорижий юк автотранспорт воситасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида йўл-йўлакай юк олишига Ўзбекистоннинг автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг тегишли тури учун ҳақиқий бўлган қўшимча рухсатномаси мавжуд бўлган тақдирдагина рухсат этилади.

41. Ўзбекистон Республикаси ҳудудига учинчи мамлакатлардан бошқа транспорт турларидан (ҳаво, темир йўл, денгиз) фойдаланган ҳолда юк ташиш, келгусида автотранспорт рўйхатга олинган мамлакатда қайта юкланиши (юк ортилиши/юк туширилиши) билан амалга оширилганда, қайд этилган ташиш ишлов бериш терминалининг (транспорт турларини алмаштириш жойи) ҳақиқий божхона муҳрлари босилган товар-транспорт ҳужжатлари билан тасдиқланган тақдирда, учинчи мамлакатга/дан Ўзбекистон рухсатномаси талаб этилмайди. Шу билан бирга, бундай ташиш икки томонлама ташиш учун бериладиган Ўзбекистон рухсатномаси асосида амалга оширилади.

42. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш учун мўлжалланган рўйхатга олиш ва фарқлаш белгиларига эга бўлмаган, шу жумладан, юкланган автотранспорт воситаларини олиб келишда Ўзбекистон рухсатномаси талаб этилмайди.

### **7-боб. Рухсатнома бланкаларининг шакли**

43. Рухсатнома бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжатлар ҳисобланади ҳамда ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланиш даражасига эга. Ўзбекистон рухсатномаларининг бланкалари шакли Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади ҳамда унинг буюртмасига кўра “Давлат белгиси” давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида босмахона усулида тайёрланади.

Рухсатнома бланкаларининг ҳисобга олиниши, сақланиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг раҳбари жавоб беради.

### **8-боб. Якунловчи қоидалар**

44. Миллий ташувчилар хорижий/кўп томонлама рухсатномаларининг зарур тарзда ва тўғри тўлдирилиши, улардан мақсадли фойдаланилиши ва ўз вақтида қайтарилиши учун жавоб берадилар.

45. “Е-авто рухсатнома” ААТга тегишли маълумотларни ҳамда белгиларни ўз вақтида ва тўғри киритиш учун Ўзбекистон Республикаси ваколатли органининг масъул ходими жавоб берадилар.

46. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга  
рухсатномаларни айирбошлиш квотасини белгилаш,  
тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
1-илова

**Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларни  
айирбошлиш ва хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни миллий  
ташувчиларга бериш ва улардан фойдаланиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Миллий ташувчи	<p>1. Келгуси йил мобайнода автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишнинг аниқ прогнозлари асосида ҳар бир давлат/кўп томонлама рухсатномалар тизими ва ташиш турлари бўйича эҳтиёжни шакллантиради.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун “Е-авто рухсатнома” ААТ орқали буюртманома тақдим этади.</p> <p>3. Хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун буюртманомалар белгиланган муддатларда тақдим этилмаган тақдирда, асосланган сабабларини кўрсатган ҳолда қолган даврга буюртманома тақдим этади.</p>	Келгуси йил бошланишидан камида уч ой олдин
2-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи	Буюртманомалар умумлаштирилган маълумотлар асосида миллий ташувчиларнинг хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёжи тўғрисидаги йиғма маълумотларни шакллантиради.	Йил давомида
3-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи	<p>1. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан биргалиқда рухсатнома бланкаларини айирбошлиш квотасини аниқлади ва уларни айирбошлиш жараёнини келишиб олади.</p> <p>2. Аниқланган квоталарни қуидагиларга ажратади:</p>	Келгуси йил бошланишидан камида икки ой олдин

		<p>а) миллий ташувчилар эҳтиёжларини кондирувчи рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси; б) миллий ташувчилар эҳтиёжларини кондирмайдиган рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси. 3. Хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан рухсатномаларни айирбошлашни ташкил этади.</p>	<p>Келгуси йил 31 январга қадар</p>
4-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи	<p>1. Маълумотларни миллий ташувчиларнинг “Е-авто рухсатнома” ААТдаги шахсий кабинетига жойлаштириш йўли билан уларни ажратилган квоталар бўйича хорижий /кўп томонлама рухсатномаларнинг мавжудлиги ҳақида хабардор қиласи. 2. Миллий ташувчилар эҳтиёжини кондирмайдиган рухсатнома бланкаларини айирбошлаш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни миллий ташувчилар орасида бир йилга (олти ойга) тақсимлайди.</p>	<p>Хорижий/кўп томонлама рухсатномалар келиб тушгандан сўнг автоматик равища</p>
5-босқич	Миллий ташувчи	<p>Автомобилда халқаро ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шаклда тузилган аризани ўзининг электрон рақамли имзоси билан тасдиқлаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига “Е-авто рухсатнома” ААТ орқали тақдим этади.</p>	<p>Режалаштирилаётган сафар бошланишидан уч кун олдин</p>
6-босқич	Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи	<p>1. Автомобилда халқаро ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун берилган аризани кўриб чиқади. 2. Миллий ташувчиларга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни беради ёки қонунчилик хужжатларида аниқ нормалари кўрсатилиган ҳолда беришни рад этади.</p>	<p>автоматик равища</p>
7-босқич	Миллий ташувчи	<p>Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органига олинган барча хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни қайтаради.</p>	<p>Берилган кундан бошлиб 90 календарь кундан кечикмай</p>

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга  
рухсатномаларни айирбошлиш квотасини белгилаш,  
тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
2-илова

**Хорижий/күп томонлама рухсатномаларга бўлган умумий йиллик  
эҳтиёжни аниқлаш учун \_\_\_\_\_ йилга  
БУЮРТМАНОМА**

<b>I. Буюртманома берувчи миллий ташувчи тўғрисида маълумот</b>	
1.1	Буюртманома берувчи ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи
1.2	СТИР ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда шахсни тасдиқловчи ҳужжат серияси ва рақами
1.3	Ҳисобвараги
1.4	МФО
1.5	Телефон рақами
1.6	Электрон почта манзили

## **II. Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун фойдаланилдиган автотранспорт воситалари сони тўғрисида маълумот**

2.1	Юк ташиш учун (дона)	
2.2	Йўловчилар ташиш учун (дона)	

### **III. Режалаштирилаётган қатновлар (бориш ва орқага қайтиш йўналишда) тўғрисида маълумот**

\* Бориладиган йўналишни тўлдиришда ИСО 3166-1 “Жаҳон мамлакатлари классификатори” халқаро стандартларига мувофиқ мамлакатларнинг икки ҳарфли кодларини қўллашга рухсат этилади.

\*\* Автотранспорт воситаларининг ҳисобланган сони II бўлимда кўрсатилган юкларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситалари сонидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

#### **IV. Хорижий/күп томонлама рухсатномаларга бўлган йиллик эктиёж түғрисида мълумот**

Давлат/кўп томонлама руҳсатнома тизимининг номи	Рухсатнома тури <sup>*</sup>	Рухсатномалар сони <sup>**</sup> , дона	шу жумладан, дона			
			I чорак	II чорак	III чорак	IV чорак

<b>ЖАМИ</b>						
* Күйидагилар учун рухсатномаларнинг асосий турлари: икки томонлама юк ташиш учун; транзит юк ташиш учун; учинчи мамлакатларга/дан юк ташиш учун; икки томонлама/транзит юк ташиш учун; икки томонлама йўналишларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун; транзит йўналишларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун; икки томонлама/транзит йўналишларда йўловчиларни номунтазам ташиш учун. ** Автотранспорт воситаларида юк ташиш учун хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга бўлган эҳтиёж III бўлимга мувофиқ режалаштирилаётган қатновлар сонидан келиб чиқиб белгиланади.						

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга  
рухсатномаларни айирбошлиш квотасини белгилаш,  
тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
3-илова

## Миллий ташувчилар эҳтиёжларини қондирмайдиган айирбошлиш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни ТАҚСИМЛАШ ШАРТЛАРИ

1. Автомобилда юкларни халқаро ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлаш шартлари (кейинги ўринларда – тақсимлаш шартлари) миллий ташувчилар эҳтиёжларини қондирмайдиган рухсатнома бланкаларини айирбошлиш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларга нисбатан қўлланилади.

2. Миллий ташувчиларга уларнинг эҳтиёжларини қондирмайдиган айирбошлиш квотаси доирасидаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларнинг тақсимоти қуидаги маҳсус формула орқали амалга оширилади:

$$K_i = N \times \left( \frac{e_i}{E} \right) \times \left( \left( \frac{b_i}{B} \right) \times 0,5 + \left( \frac{p_i}{P} \right) \times 0,5 \right) \times \left( N / \sum_{i=1}^m \left( N \times \left( \frac{e_i}{E} \right) \times \left( \left( \frac{b_i}{B} \right) \times 0,5 + \left( \frac{p_i}{P} \right) \times 0,5 \right) \right) \right)$$

Бу ерда:

$K_i$  –  $i$ -миллий ташувчига бир йилга (олти ойга) тақсимланадиган хорижий/кўп томонлама рухсатномалар сони;

$N$  – бир йилга (олти ойга) тақсимланадиган маълум бир турдаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларнинг умумий сони;

$e_i$  – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган  $i$ -миллий ташувчининг тақсимот ўтказилаётган ойдан олдинги ўн икки ой мобайнида электрон ҳисобварақ-фактуралар (кейинги ўринларда – ЭҲФ) бўйича битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромади;

$E$  – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган барча миллий ташувчиларнинг тақсимот ўтказилаётган ойдан олдинги ўн икки ой мобайнида ЭҲФ бўйича битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олишган ўртacha даромади;

$b_i$  – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган  $i$ -миллий ташувчи томонидан тақсимот ўтказилаётган ойдан олдинги ўн икки ой мобайнида ишлатилган хорижий рухсатномалар сони;

$B$  – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган барча миллий ташувчилар томонидан тақсимот ўтказилаётган ойдан олдинги ўн икки ой мобайнида ишлатилган хорижий рухсатномалар сони;

$p_i$  – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган і-миллий ташувчининг тақсимот ўтказилаётган ойнинг бошида юкларни халқаро ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари сони (рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автотранспорт воситаларидан ташқари);

$P$  – хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган барча миллий ташувчиларнинг тақсимот ўтказилаётган ойнинг бошида юкларни халқаро ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситалари сони (рухсат этилган тўла вазни 3,5 тоннадан ошмайдиган юк автотранспорт воситаларидан ташқари);

$m$  – маълум бир турдаги хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда иштирок этаётган ва ушбу рухсатномаларга бўлган бир йиллик умумий эҳтиёжни аниқлаш учун буюртманомалар тақдим этган миллий ташувчилар сони.

3. Тақсимлаш шартларининг 2-бандида назарда тутилган маҳсус формула орқали келиб чиқсан хорижий/кўп томонлама рухсатномалар сонининг қиймати –  $K_i$  бутун сонгача яхлитланади. Бунда 0,5 ва ундан юқори ҳисобланган сон 1 гача, 0,5 гача бўлгани – 0 гача яхлитланади.

4. Миллий ташувчининг юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромадини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хузуридаги Солик кўмитаси ва Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи ахборот тизимлари ўртасида маълумот алмашинуви ташкил этилади.

“Е-авто рухсатнома” ААТда:

тақсимот ўтказилаётган ойдан олдинги ўн икки ой мобайнида і-миллий ташувчининг ЭҲФ бўйича олган жами даромад суммасини унинг ушбу давр бошида автомобилда юкларни халқаро ташиш учун фойдаланиладиган автотранспорт воситалари сонига бўлиш орқали битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромади аниқланади;

тақсимот ўтказилаётган ойдан олдинги ўн икки ой мобайнида миллий ташувчиларнинг ЭҲФ бўйича олган жами даромад суммасини уларнинг ушбу давр бошига автомобилда юкларни халқаро ташиш учун фойдаланиладиган жами автотранспорт воситалари сонига бўлиш орқали битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олишган ўртacha даромади аниқланади.

5. I-миллий ташувчининг битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромадини миллий ташувчиларнинг битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган ўртacha даромадига бўлган нисбати  $(\frac{e_i}{E})$  1,5 дан ошмаслиги лозим.

Бунда учинчи давлат ҳудудига/дан юк ташиш учун хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни тақсимлашда i-миллий ташувчининг битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олган даромади миллий ташувчиларнинг битта юк автотранспорт воситаси ҳисобига юкларни халқаро ташиш бўйича хизматлардан олишган ўртacha даромадининг камида 50 фоизи бўлиши керак.

Айрим турдаги хорижий/кўп томонлама рухсатномалардан самарали фойдаланишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи тақсимлаш шартларининг 5-банди иккинchi хатбохисида белгиланган қийматни ўзгартириши мумкин. Бунда ўзгартирилган қиймат тўғрисида миллий ташувчилар дарҳол хабардор этилади.

Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга  
рухсатномаларни айирбошлиш квотасини белгилаш,  
тақсимлаш, бериш ва улардан фойдаланиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
4-илова

**Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташиш учун  
хорижий/кўп томонлама рухсатномалар олиш тўғрисида  
АРИЗА**

<b>I. Ариза берувчи миллий ташувчи тўғрисида маълумот</b>		
1.1	Ариза берувчи ташкилотнинг ёки жисмоний шахснинг тўлиқ номи	
1.2	СТИР ёки жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами ҳамда шахсни тасдиқловчи хужжат серияси ва рақами	
1.3	Ҳисобвараги	
1.4	МФО	
1.5	Телефон рақами	
1.6	Электрон почта манзили	
<b>II. Хорижий/кўп томонлама рухсатномалар тўғрисида маълумот</b>		
Давлат/кўп томонлама рухсатнома тизимининг номи	Рухсатнома тури <sup>*</sup>	Рухсатномалар сони **, дона
<b>ЖАМИ</b>		

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “7” июлдаги 277-сон қарорига  
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган  
деб эътироф этилаётган айрим қарорлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 мартағи 202-сон қарорининг 2-банди ҳамда қарорга 1-илова.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг “Автомобилда юк ва йўловчиларни халқаро ташишга рухсатномаларни айирбошлиш квотасини белгилаш, тақсимлаш, бериш ва фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳакида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Автомобиль транспортида юкларни халқаро ташишни янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4353-сон қарори)” 2019 йил 25 августдаги 716-сон қарори.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Транспорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 1 февралдаги ПФ-5647-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Юк ва йўловчи ташиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 6 мартағи ПҚ-4230-сон қарори)” 2020 йил 8 майдаги 271-сон қарорига 1-илованинг 50-банди.

